



МЕТАФОРА ҲОДИСАСИ ТАЛҚИНИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ИМКОНИАТЛАРИ

*Сафаров Шаҳриёр,
СамДЧТИ профессори*

Калит сўзлар: *метафора, ахборот, оламнинг лисоний манзараси, когнитив механизм, фрейм, билим, доминант.*

Ўтган асрда “илмий–техник инқилоб” ҳақида гапиришга ўрганиб қолган бўлсак, эндиликда унинг ўрнига “ахборот асри”ни шакллантираётган “ахборот инқилоби” тушунчаси оммалашмоқда. Дарҳақиқат, инновацион технологияларнинг кескин тараққиёти таъсирида ХХI аср юқори даражадаги ахборот алмашинув даврига айланиб улгурди. Ахборот узатиш билан боғлиқ муносабатлар инсон фаолиятининг барча жабҳаларида етакчи ролни ўтайди. Жамиятда мавжуд бўлган ахборот захираси унинг ижтимоий – иқтисодий ҳаёти ва илмий – техник ривожига энг асосий омилдир.

Ахборот яратиш ва сақлаш вазифасини ўташ қудратига эга бўлган тил айни пайтда тўпланган маълумотларни ифодалаш ҳамда шу йўсинда янгича русумдаги билимни шакллантириш манбасидир. Маълум бир тил ахборот манбаси бўла туриб, маданий – ижтимоий қадриятларни мерос тариқасида авлоддан – авлодга етказиш воситаси ҳамдир. Инсон тилдан фойдаланиб, олдинги аждодлар билим ва тажрибасига мурожаат қила олади ҳамда янги билимни ўзлаштиришга замин ҳозирлайди. Тилдан фойдаланиш асносида инсоният оламнинг информация (ахборот) манзарасини ўзгартириш имкониятига эга бўлди.

Гарчи “оламнинг ахборот манзараси” тушунчаси доирасига барча белгилар тизими ҳамда информативлик муносабатлари намоён бўлишининг тўлиқ мажмуасини киритадиган бўлсак, унда тилни ижтимоий мақомини аниқ тасаввур қилишга шароит яратилади.

Коммуникация ҳамда фикрни шакллантириш ва ифодалашнинг энг асосий воситаси ҳисобланган тил оламни тўхтовсиз фаол ўзлаштириш ва тўпланган тажрибани билимга кўчириш манбасидир. Ушбу жараённинг пойдеворида эса инсоннинг воқеликни тизимли ва мазмунли лисоний идрок этиши билан боғлиқ номинатив фаолияти туради. Бу фаолият оқибатида яратиладиган тил бирликлари воситасида ўзига хос ахборот – лисоний дунёқараш юзага келади.

Демак, атрофдаги воқеликни билиш жараёнида тил етакчи ўринга чиқади, зеро, у субъектнинг когнитив фаолияти марказида туради. Оламнинг концептуал манзарасининг лисоний воқеланиши тил тизимининг қарамида, тафаккур ва тил ҳодисалари оралиғида туради ва худди шу оралиқ босқич воқелик оламини лисон олами билан боғлайди.

Концептуал ҳаракат номинатив фаоллик билан бирикиб, коммуникацияни йўлга қўйишга хизмат қилади ҳамда тил бирликларига мазмун бағишлайди.

Метафора, худди бошқа бирваракайига номинатив ва коммуникатив мақсадларни яқинлаштирадиган лисоний бирликлар сингари, оламнинг лисоний манзарасини шакллантирувчи воситадир. Бироқ, ушбу восита бошқалардан фарқли ўлароқ, тил тизимида олдиндан мавжуд бўлган маънолардан фойдаланиб, янги концептларни яратиш учун хизмат қилади. Демак, метафора фақат маънонинг мавжудлигини таъминлаш учун хизмат қилибгина қолмасдан, балки ушбу маънони шакллантириш механизми ва уни



коммуникация шароитида узатиш воситаси ҳамдир.

Айтилганидек, метафора когнитив ва лисоний фаолиятлар уйғунлигида, воқелик ҳақидаги билим замирида яралади. Олам ҳақидаги ҳар қандай билим бўлаги тафаккурда ҳосил бўладиган ментал қолипдан иборат. Иккита алоҳида концептнинг ўзаро муносабатини акс эттирувчи метафоранинг мазмуний қобиғини ташкиллаштирувчи ментал қолиплар ҳаракатлар кетма – кетлигига ишора қилувчи билим заҳираси (скриптлар) ва ижтимоий вазият ҳамда мақомлар ҳақидаги билим (фрейм) тўпламидир.

Кўринадики, тафаккур юритиш асосида пайдо бўладиган ментал қолиплар алоҳида концептлардан иборат бўлмасдан, балки ушбу концептларнинг замон, макон, сабаб ва мақсад майдонида намоён этадиган алоқаларини қамраб олади. Аслини олганда, улар турли соҳаларга оид тушунчалар боғланишини акс эттирувчи “метафорик модель” тушунчаси билан боғлиқдир (Feng 1997).

Когнитив тилшуносликда метафорик модель таркибий элементлари турли семантик муносабатлар асосида бирикадиган манба сифатида тушунилади. А.Баранов ва Ю.Карауловларнинг фаразича, метафорик моделларнинг ўртасида ҳам ўзаро алоқа мавжуд, зеро, мазкур моделлар поғонали муносабатга киришадилар ва ягона майдон доирасида бир – бирлари билан кесишиб турадилар (Стернин 2001:58-64).

Метафорик моделлар таснифи турлича, аммо, муҳими улар қиёсида маҳсулдорларини ажратиш ҳамда оламнинг метафорик тасаввурини таъминловчи қонуниятларни аниқлаш мумкин. Сўзсиз, таснифий амаллар татбиқи баъзи муаммоларга сабаб туғдиради. Кўпчилик тадқиқотчилар таянч нуқта сифатида соҳага оид тушунчалар фреймларига мурожаат қилса (масалан, сиёсий фаолият субъектлари ҳайвонлар, спортчилар ёки эртак персонажларига қиёсланади), бошқа бир қисми бирламчи ва иккиламчи маъноларни боғловчи

компонентларини (масалан, сабаб ва оқибат муносабатлари ёки иерархик поғонали муносабатларнинг ифодаланиши) инобатга олишади. Ҳар ҳолда, метафоранинг шаклланиши ва гуруҳланиши масалалари муҳокамасида когнитив универсалия сифатида қараладиган ҳамда кундалик тажриба замирида юзага келадиган концептлашувдан олдинги тасаввур (image schema)га мурожаат қилишга тўғри келади.

Когнитив универсалиялар маъновий ва матний структураларда мавжуд бўлиб, улардан метафорик модель асоси сифатида фойдаланилади.

Умуман олганда, метафора маълумдан (танишдан) номаълум (нотаниш) сари қўйилган кўприк вазифасини ўтайди. Худди шу “метафорик кўприк”да турган тадқиқотчилар метафора ҳодисасини, бир томондан, ботиндан, яъни олам ҳақидаги тасаввурни мукаммаллаштириш ҳамда янги фаразлар таклиф қилиш воситаси кўринишида талқин қилишса, бошқа томондан, сиртдан ўрганишга, яъни уни инсон онги ва маданият ўртасидаги “ҳакам” вазифасида кўрадилар. Айнан шу ёндашув кейинги йилларда устуворлик қилаётгани ҳеч қандай гумон туғдирмайди ва бунинг асосий сабаби бевосита когнитив тилшуносликнинг ривожини билан боғлиқ (Опарина 2000).

Когнитив тилшунослик доирасида фаолият кўрсатишаётган олимлар турли назарий қарашлар, схемали тасвирларни таклиф қилишиб, метафора яратилишининг когнитив ускуналарини ёритиш илинжида бўлиб турибдилар (Lakoff 1993, Croft, Cruse 2004: 193-220; Ashurova, Galieva 2018:79-91). Шу жумладан, америкалик олима Айлин Уэй тарғиб қилган назария умумий когнитив йўналиш доирасига кирса ҳам, лекин, бошқалардан маълум даражада фарқ қилади. Ўз назариясини The Dynamic Type Hierarchy Theory “динамик турдаги поғоналилик (босқиччилик) назарияси”, деб номлаган Уэй хоним метафорик жараёнларни ниқоблар қийишга ўхшатади (Way 1991).



“Динамик турдаги поғоналилик назарияси” (ДТПН) аслини олганда, М.Блэк ва А. Ричардслар истеъмолга киритишган “ўзаро таъсир нуқтаи назари”га асосланади (Ричардс 1990; Блэк 1990). А.Ричардснинг изоҳича, биз метафорадан фойдаланаётганимизда онгимизда иккита турли хил нарса ҳақидаги фикр мавжуд бўлади ва “ушбу фикрлар ягона бир сўз ёки ибора ҳудудида муносабатга киришади, бундай муносабат доирасида ҳосил бўладиган маъно метафорага олиб келади” (Ричардс 1990: 46). Масалан, Макс Блэк келтирган мисолни оладиган бўлсак, *The poor are the negroes of Europe* “Камбағаллар – Европанинг негрларидир” жумласида камбағаллар нимагадир қиёсланапти ва бу қиёс саводсизликка ишора қилаётгани эҳтимолдан йироқ эмас. Демак, бизнинг европалик камбағал ва америкалик негр ҳақидаги фикрларимиз ўзаро муносабатга киришиб, бир – бирига сингишмоқда. Оқибатда эса, янги мазмун туғилмоқда (Блэк 1990: 162-163).

Аммо инсонларнинг олам ҳақидаги билим ва тасавури бир хил эмас. Шу сабаб, олам ҳақидаги мавжуд тасаввурлар ҳосила билимнинг ва хулосанинг турли босқичларда бўлишини таъминлайди (Way 1991:125). А.Уэй ўтказган тажрибалар гувоҳлик беришича, метафорани ҳосил қилувчи механизмлар фақат шакл ва маъно муносабатини эмас, балки кенг кўламли концептуал жараёнларни қамраб олади.

Олима тўғри таъкидлаганидек, динамик хусусиятли поғоналилик алоҳида қисмлар ва ҳудудлар ўртасидаги боғлиқликка таъсир кўрсатади. Унинг воситасида метафорани тушуниш жараёнида концептуал тузилмада қандай ўзгаришлар вужудга келишини англаш мумкин. Бунда метафоранинг шаклий қатлами маъно ифодасини назоратга олса, поғонали муносабатлар эса метафоранинг турли концептлар боғламига нисбатан бўлган нуқтаи назарга таъсир этади.

Янгидан пайдо бўлаётган ахборот ва билим даражасининг ўсиши натижасида инсонларнинг олам ҳақидаги тасавури янгиланиб, ўзгариб боради. Бизга аввал

одатий бўлиб туюлган маъно метафора мақомини олади. Масалан, *ether* “осмон, само” сўзи олдин конкрет маънода эшитилган бўлса, эндиликда метафора тусини олмоқда. Бошқа вазиятда эса *Star Wars* бирикмаси образлилик хусусиятини йўқотиб, тўғридан –тўғри маънога эга бўлмоқда. Демак, “у ёки бу маънога нисбатан бизнинг фикримиз ўзгариб, ажратилаётган поғоналар динамик кўринишни олмоқда” (Way 1991: 126). Бу, ўз навбатида, семантик поғоналар ва концептуал тугунлар ўзаро тартиботли боғланиши ва уларнинг бирор бир тугунидаги силжиш бошқаларида ўзгаришлар юзага келишидан дарак беради. Бу яна бир қарра тилнинг мураккаб ҳодиса эканлиги ҳамда унда бизнинг ҳозирги маданий муҳитда шаклланган билим ва тушунчаларимиз акс топишини тасдиқлайди.

“Метафорик ниқоб”нинг фаоллашувида контекст ёки нуқта вазиятининг роли алоҳида ва қандай турдаги маънонинг ифодаланиши, худди қайси ниқобнинг ҳаракатга тушиши билан поғонали тузилишдек қайси алоқаларнинг олд ўринга чиқиши ёки яшириниши билан боғлиқ. Масалан, *The car is thirsty* (“Машина ташна”) жумласида тирик жонзотларга хос хусусият жонсиз предметга кўчирилади. Шу сифат метафорик ниқобларнинг қандай шаклланишини билиш учун лисоний идрок пайтида оламни моделлаштириш амалларини ҳар тарафлама ўрганиш лозим бўлади. Боз устига, ниқоблар танлови ҳам контекстга боғлиқ ва ҳар бир ниқоб алоҳида концептлар тўпламига ишора қилади.

Хуллас, А.Уэй таърифида ишонадиган бўлсак, метафора мавжуд поғонали муносабатлар қаторига янги тугунларни киритади. Бу метафоранинг мақсади кундалик мулоқот муҳитида кўзга ташланмайдиган концептлар ўртасидаги янада мавҳумроқ муносабатларни намоён этишдан иборат эканлигини тасдиқлайди.


Маълумки, умумий ассоциациялар тизимини М.Блэк юқорида эслатилган ишида *implicative complex* термини билан



атаган эди. Ундан олдинроқ бошқа тадқиқотчилар “семантик ҳудудлар” (semantic domains) тушунчасидан фойдаланганини ҳам биламиз (Tourangean, Stember 1982). Ҳар ҳолда, ҳар иккала тушунчанинг қўлланишида прототип билим, турғун нуктаи назарларнинг фрейм ёки сценарий кўринишини олиши назарда тутилади. Метафора ҳар қандай концептуал схемага янги кўриниш беради. Ўз пайтида Н.Гудмен қайд этганидек, бундай ўзгариш натижасида “схемалар ўрин алмашади, концептлар бир жойдан

бошқасига кўчади, категориялар бегоналашади” (Гудмен 1990:196).

Бинобарин, Nixon is the submarine of world leaders (“Никсон–дунё лидерлари орасида сув ости кемасидир”) жумласининг таҳлилида А.Уэйни Никсоннинг етакчилик хислатлари қизиқтиради ва унинг ҳақидаги фикрлар “поғонаси” қуйидагича: Никсоннинг бурни катта, сочи қора ва у ақли сиёсатчи бўлган. Лекин, юқоридаги контекстда ушбу сифатлар иккиламчи ҳамда эсланмайди. Натижада, муносабатлар поғонаси қуйидаги тасвирга эга бўлади.



Кўринадики, метафора шаклланганидан сўнг “поғоналар” мураккаблашиб, ўзаро боғлиқлик чизиқлари кенгроқ тарқалади.

Олдинроқ келтирилган The car is thirsty мисолига қайтадиган бўлсак, унга ўхшаш гапларни эшитганимизда хаёлимизга биринчи келадиган нарса, албатта, машина ҳаракатланиши учун зарур бўлган ёқилғи–бензиндир. Тўғри, сув ҳам суюқлик. Ҳатто ёқилғи қуйиш шаҳобчасида ҳайдовчилар баъзан машинага сув қуйишини ҳам кузатиб турадилар. Бу ҳолда юқоридаги гапни тамоман бошқа мазмунда англаймиз. Аммо, “машина оч қолган” гапини эшитган заҳотиёк, бензин қуйишни

тушунамиз, уни бирор овқат билан боқиш тўғрисида ўйлаш хомхаёл. Демак, тирик зотга хос сифатни жонсиз предметга кўчириш ҳаракати давом этади. Худди шундай ҳолат “Машинам қариб қолди”, “Машина чарчади” каби нутқий тузилмалар қўлланишида ҳам кузатилади. Айни пайтда “Машинамни сартарошга олиб бориш керак” гапининг кулгили эканлигини ҳам унутмайлик.

Шундай қилиб, А.Уэй таклиф қилган назария метафоранинг тил тизимининг иккиламчи маҳсули эмас, балки туб моҳиятини белгиловчи ҳодиса эканлигига ишонишга ундайди. Унинг шаклланиши механизмларини тушуниш, бир томондан, контекстга муносабат



қилишни талаб қилса, иккинчи томондан, сўзловчи ва тингловчининг тафаккур қобилиятига боғлиқ. Мазкур назариянинг умумқабул қилинган ассоциациялар тизими ва ниқоблар поғоналаригача бўлган жиҳатларини тартиблаштирадиган бўлсак, рўйхат анча давомли кўриниш олади. Келинг, яхшиси муаллифнинг фикрини такрорлаб қўя қолайин: “I have tried to capture in my theory: that metaphor involves systems of commonplaces; that the vehicle can operate as a filter on the tenor, that there

is meaning shift in metaphor that the metaphor involves creating similarity between the tenor and vehicle; and that metaphors allow us to perceive the world from different perspectives” (Way 1991:147).

Хуллас, Айлин Уэй нашр қилдирган монография билан танишиш метафора ҳодисасини когнитологиянинг эришган ютуқларига таянган ҳолда ўрганиш истиқболлини белгилашга имкон беради.

Адабиётлар:

1. Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Cognitive Linguistics. – Т.: VneshInvestProm, 2018. -160 р.
2. Chilton P. Security Metaphors, Cold War Discourse from Containment to Common House. – London: Routledge, 1997. – 465 p.
3. Croft W, Cruse D. Cognitive Linguistics. – Cambridge: CUP, 2004. – 356 p.
4. Feng X. Konzept und Metaphor. – Frankfurt: Suhrkamp, 1997. – 476.
5. Koller V. Metaphor Clusters, Metaphor Chains: Analyzing the Multifunctionality of Metaphor in Text. www.metaphorik.de, 05/2003.
6. Lakoff G. Contemporary Theory of Metaphor. In: A. Ortony (ed.). Metaphor and Thought. – Cambridge: Cambridge University Press, 1993. – P. 205-251.
7. Tourangean R. Sternberg J. Understanding and appreciating metaphors//Cognition, 1982. No.11. – P. 203-244.
8. Way E.C. Knowledge representation and metaphor. – Dordrecht: Kluwer Academic Publishers, 1991. – 271 с.
9. Блек М. Метафора // Теория метафора. – М.: Прогресс, 1990. – С. 153-172.
10. Гудмен Н. Метафора – работа по совместительству//Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С. 194-200.
11. Крюкова Н.Ф. Метафоризация и метафоричность как параметры рефлексивного действия при продукции и рецепции текста. Автореф.дисс.... докт. филол.наук. – Тверь, 2000. – 50 с.
12. Опарина Е.О. Исследования метафоры в последней трети XX века// Лингвистические исследования в конце XX в. – М.: ИНИОН РАН, 2000. – С. 186-204.
13. Ричардс А. Философия риторики // Теория метафоры.- М.: Прогресс, 1990. С.44-67.
14. Стернин М.А. Методика исследования структура концепта // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж, 2001. – С. 58-64.

Safarov Sh. New approaches to the interpretation of metaphor. During last year's there were developed new methods of interpretation of the metaphorical phrases. Nature and status of this phenomenon is very complex and its analysis demands great effort. The methodology proposed by an American linguist E.Way is useful for understanding the peculiarities of representation of knowledge in metaphors.

Сафаров Ш. Новые подходы к интерпретации явления метафоры. За последние годы в мировой лингвистике сформировались некоторые новые подходы к изучению природы и статуса метафоры. Онтологическая природа данного явления представляется сложным образованием, что и является причиной возникновения трудностей в его интерпретации. Методология, предложенная Е.Уэй, может быть успешно применена к изучению особенностей репрезентации знания в метафорических образованиях.